БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 22 (16.712). | 27 январь 1977 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

## Л. И. Брежнев билан А. Н. Косигин Пак Сен Черни қабул қилдилар

26 январь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Совет Иттифоқида дўстона визит билан меҳмон бўлиб турган Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комитетининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий кенгашининг Бош министри Пак Сен Черни қабул қилдилар.

Суҳбат давомида турли соҳаларда Совет — Корея ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, халқаро ҳаётнинг актуал проблемаларига оид масалалар юзасидан фикрлашиб олинди, Осиёдаги вазиятга алоҳида эътибор берилди.

Ўрток Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи Корея Халқ Демократик Республикасининг Кореяни корейс халқининг орзу-умидларига мос келадиган тарзда тинч демократик асосда бирлаштиришга қаратилган куч-ғайратларини изчил қўллаб-қувватлаб келаётганлигини таъкидлаб ўтди. Ўртоқ Пак Сен Чер корейс халқи Совет Иттифоқининг бу интернационалистик позициясини юксак баҳолайди, деди.

Суҳбат қатнашчилари КПСС билан КМП ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган Совет — Корея ҳамкорлигини кучайтириш иккала халқ туб манфаатларига, Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига мос келади, деган ишончни изҳор этдилар.

Самимий, ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Совет Иттифоқининг КХДРдаги элчиси Г. А. Криулин, КХДР маъмурий кенгаши Бош министрининг ўринбосари, ташқи савдо министри Кэ Ин Тхе, КХДР халқ куролли кучлари бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Ким Чер Ман, КХДР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Тен Ин Чер, КХДР ташқи иқтисодий алоқалар министрининг ўринбосари Ли Ти Сен, КХДРнинг СССРдаги элчиси Ким Жэ Бон ҳозир бўлдилар.

*ЯХШИРОҚ ИШЛАЙЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТНИ ОШИРАЙЛИК!*

# ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА — МЕҲНАТ РЕКОРДЛАРИ

## РЕСПУБЛИКА ИШЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ


С. ОБИДЖОНОВ.


Г. БЕКБУЛАТОВА.


Г. С. ВОЛНА.


В. Я. ГАВРИЛОВ.


Л. С. ГЕРАСИМОВА.


Н. Ф. ГОЛЕВ.


В. Г. ДУРОВА.


Қ. ИСМОИЛОВ.


Н. МАННОПОВ.


Ф. С. МИРЗАХОНОВА.


З. И. ПОБЕДИНСКАЯ.


У. Т. ТОШМУҲАМЕДОВА.


Ҳ. Ш. ТЎЛАГАНОВ.


М. А. ҲАМДАМОВА.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

### РЕСПУБЛИКА САНОАТ ВА ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ВА ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика саноат ва транспорт корхоналари ишлаб чиқариш илғорларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги ташаббуси тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили планларини бажаришга жонажон Коммунистик партиянинг XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширишдаги юксак масъулият туйғуси билан ўз ролини чуқур тушуниб киришдилар, дейилади шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда.

Леонид Ильич Брежневнинг Тула шаҳрига «Олтин Юлдуз» медали топширишга бағишланган тантанали мажлисда айтган: «...Йилнинг энг бошиданоқ, шу январь кунлариданоқ ҳам шаҳардаги, ҳам қишлоқдаги барча меҳнат коллективлари бир маромда, тўла самарадорлик билан ишлашлари жуда муҳим, бениҳоя муҳимдир» — деган сўзлари республикада коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги зафарларга чорловчи даъват деб кутиб олинди.

Меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақани кенг қулоч ёздириб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан ўз кучлари, билимлари, ижодий изланишларини йиллик ва беш йиллик планларни бажариш учун бошланган курашнинг ҳал қилувчи участкаларига қаратмоқдалар ва янги юксак марраларни белгиламоқдалар.

Ўз ишининг ажойиб усталари — Б. Асанова, А. С. Верзилина, А. А. Девятова, Б. В. Ефремов, С. Луқмонова, А. М. Муҳамедов, М. М. Овсянников, К. Тошматов, А. Умаров, Ш. У. Холмуҳамедовалар ташаббуси билан ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топширикни бажариш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракати кун сайин тобора кенг қулоч ёзмоқда.

Ҳозирги вақтда республика ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан 32 минг киши бу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар,

Ўн нафар ишлаб чиқариш илғорининг ташаббусини давом эттираётган Наманган машинасозлик заводининг штамповкачиси С. Обиджонов, Гулистондаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» номли тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи Г. Бекбулатова, Фарғонадаги «СССР 50 йиллиги» номли химиявий тола заводининг ип ўровчиси Г. С. Волна, Жиззахдаги 2517-автоколонна шофери В. Я. Гаврилов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси Л. С. Герасимова, Андижон «Электродвигатель» заводининг прессчиси Н. Ф. Голев, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг пиллакаши В. Г. Дурова, Қорақалпоғистон «Рибакколхозсоюз»ига қарашли «Амударё» колхозининг балиқчиси Қ. Исмоилов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари Н. Маннопов, Самарқанддаги 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси Ф. С. Мирзахонова, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси З. И. Побединская, Тошкентдаги «Миконд» заводининг олмосга сайқал берувчиси У. Т. Тошмуҳамедова, Тошкент «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси дурадгорлар бригадири Х. Ш. Тўлаганов, Марғилон шойи комбинатининг пиллакаши М. А. Ҳамдамова ўртоқлар 1976 йилда икки йиллик планни бажардилар ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги кунигача уч ярим-тўрт йиллик топшириқни бажариб, шу тарика ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик план бажарилишини таъминлаш юзасидан янги қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар. Юксак бурч ва ишчи шарафи туйғуси, фидокорона ижодий ишлаш, юксак натижаларга эришиш учун резервларни доимо қидириш — улар муваффақиятли меҳнатининг гаровидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уч ярим-тўрт йиллик топшириқларини Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача бажариш ва ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планни тугаллаш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган С. Обиджонов, Г. Бекбулатова, Г. С. Волна, В. Я. Гаврилов, Л. С. Герасимова, Н. Ф. Голев, В. Г. Дурова, Қ. Исмоилов, Н. Маннопов, Ф. С. Мирзахонова, З. И. Побединская, У. Т. Тошмуҳамедова, Х. Ш. Тўлаганов, М. А. Ҳамдамова ўртоқларнинг ташаббусини маъқуллади.

Область, шаҳар район партия комитетлари, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика министрликлари, идоралари бу қимматли ташаббусни кенг оммалаштиришлари, ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, 1977 йил топшириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани ҳар тарафлама авж олдиришга қаратишлари лозим. Социалистик мусобақа умумхалқ тусини олсин, мусобақани ташкил этиш такомиллаштирилсин, унинг юксак натижадорлигига эришилсин.

Республика газеталари, журналлари, радио ва телевидение редакцияларига ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ташаббусининг мақсад ва мазмунини чуқур тушунтириб бериш, уларнинг иш тажрибасини батафсил кўрсатиш, социалистик мусобақанинг бориши ва натижаларини мунтазам ёритиш топширилди.

**(Илғор ишчиларнинг сўзларини газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).**

## СОВЕТ — КОРЕЯ МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

25 январь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комитетининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий кенгашининг Бош министри Пак Сен Чер ўртасида музокаралар давом эттирилди.

Дўстона, амалий вазиятда ўтган музокаралар чоғида Совет—Корея ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ принципиал масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Иккала мамлакатни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикрлашув давом эттирилди.

(ТАСС).

## ПАК СЕН ЧЕРНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

25 январь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комитетининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий кенгашининг Бош министри Пак Сен Чер ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Дўстона, амалий вазиятда ўтган музокараларда Совет—Корея ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ принципиал масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Иккала томонни қизиқтирадиган халқаро масалалар юзасидан фикрлашув давом эттирилди.

СССР ҳукумати шу куни ўртоқ Пак Сен Чер шарафига Катта Кремль саройида зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, К. Ф. Катушев ўртоқлар, бошка расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Корея томонидан КХДР маъмурий кенгашининг Бош министрига ҳамроҳ бўлган кишилар иштирок этдилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфат чоғида А. Н. Косигин ва Пак Сен Чер ўртоқлар нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

* * *

Пак Сен Чер 25 январь куни В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди.

Пак Сен Чер Кремль девори ёнидаги номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйди.

(ТАСС).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**КПСС Марказий Комитети «КПСС Томск область комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлиги тўғрисида»ги масалани қараб чиқди.**

КПСС Марказий Комитети қабул қилинган қарорда қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Томск область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари матбуот, телевидение ва радио эшиттиришга партиявий раҳбарлик системасини такомиллаштириш, уларнинг партия XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитети ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» ҳақидаги докладида, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни пропаганда қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш соҳасидаги ролини кучайтириш борасида собитқадам иш олиб бормоқдалар. Областдаги оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ўнинчи беш йиллик халқ хўжалиги плани топшириқларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажариш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга актив ёрдам бермоқдалар.

Партия комитетлари газеталар, телевидение ва радио эшиттириш ишларининг асосий йўналишларини белгилаб бермоқдалар, уларнинг фаолиятини аниқ координациялаштиришни, журналистларга ҳар томонлама ахборот бериб туришни ташкил этмоқдалар, кўп тиражли газеталар ва деворий газеталарнинг мазмунини яхшилашга, уларда эълон қилинган материалларнинг таъсирчанлигини оширишга эришмоқдалар.

КПСС область комитети, шаҳар ва район партия комитетлари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлик қилишда кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларнинг ғоявий ва профессионал савиясини ошириш масалаларига доим катта эътибор бермоқдалар. Район газеталарининг ва кўп тиражли газеталардан кўпчилигининг редакторлари партия комитетлари бюросига аъзо қилиб сайланди.

**(Давоми иккинчи бетда).**

# ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кеча КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари, пахта, дон, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан 1976 йилги план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда кўрсатган шавкатли меҳнати учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан мукофотланган республика раҳбар ходимларининг бир группасига СССР Олий Совети Президиумининг топширувига мувофиқ орденлар топширди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетровга, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. Мамарасуловга ва Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунскийга Ленин ордени, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимовга ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орловга Октябрь революцияси ордени, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаевага ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Т. Г. Зинингa, В. И. Сускинга, П. Ҳабибуллаевга Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов мукофотланганларни қизғин ва самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик ва ишларида янги катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин шу ерда ўртоқ Ш. Р. Рашидовга Ленин орденини топширди.

